

## Чумчуқ мяси ва самолёт кабинаси



15:00 / 10.01.2021 4616



Расм ҳақида бир ўйлаб кўринг. Самолёт кабинасидаги жиҳозларнинг кўплигини кўряпсизми? Мураккаб ҳисоблагичлар, мониторлар ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси фақат учуш учун.

Чумчуқ, бургут, кабутар, бойқуш ҳақида тафаккур қилиб кўринг. Уларнинг мияси ҳажми тарвуз уруғидек келади. Мураккаб ҳисоб-китобларнинг ҳаммаси ана шу мияда амалга ошади. Тезлик, баландликка кўтарилиш, юк, вазн, йўналишлар, компас, вақт, озуқа топиш ва душмандан қочиш учун ишлайдиган радарлар, қўниш ва ердан кўтарилишни, баландлик ва

пастликни ўлчайдиган жиҳозлар. Мана шуларнинг ҳаммаси кузатув минорасисиз, радиоалоқасиз, сунъий йўлдошсиз ва GPS воситасисиз ишлайди.

Қушлардаги парвоз учун керакли бўлган ана шу жиҳозлар, аъзоларни Аллоҳ таоло яратганми ёки улар ўз-ўзидан, тасодифан пайдо бўлиб қолганми?!

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نُنْحَرُّرِلَّالِإِنُّهُكَسْمُيْ أَمْ نُنْصَبُّقَوَيِّوَاتُفَاصُّمُهَقَوْفَ رِيَّطَلَّالِئَلَّأَوْرِيْمَ وَأُرِي صَبَّئِي شُّلُّكُبُّهَّ إِنَّا

**Устиларида қанот ёйиб ва йиғиб (учаётган) қушларни кўрмадиларми? Уларни Роҳмандан бошқа ушлаб тургани йўқ. Албатта, У барча нарсани кўриб турувчидир»** (Мулк сураси 19-оят)

Ҳавода парвоз қилувчи қушларни Аллоҳ таолонинг Ўзи ушлаб туради. У Зот қушларнинг тарвуз уруғидек ҳажмдаги миясига парвоз учун керакли ҳисобот, ўлчовларни амалга оширадиган қобилиятни ато қилган. Роббимиз Ўзининг Каломида шундай деб марҳамат қилган:

[نَوَّلَغَفَتْ أَمْ بُرِّي بَخُّهَّ إِنَّا عِيَّ شُّلُّكَ نَقَوَاتُ يَدَّلَّالَّالَّغُنُّص](#)

**«Бу ҳар бир нарсани пухта қиладиган Аллоҳнинг санъатидир. Албатта, У нима қилаётганингиздан ўта хабардордир».** (Намл сураси, 88-оят)

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**